

**“ДИНОЗАВР” РОМАНИДА ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ БАДИЙ-
ЭСТЕТИК КОНЦЕПЦИЯСИ**

**ARTISTIC AND AESTHETIC CONCEPT OF SHUKUR KHOLMIRZAEV
IN THE NOVEL “DINOSAUR”**

Islamjon Axmedjanovich Yakubov,

filologiya fanlari doktori, professor

O`zbek tili va adabiyoti kafedrasi, Nizomiy nomidagi TDPU, O`zbekiston

E-mail: islamxoja@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев “Динозавр” романида ёзувчи ва кинорежиссёр Маҳкам Маҳмудов оиласи тақдири мисолида XX асрнинг 90-йиллари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти давр одамлари табиатида юзага келтирган рухий-психологик жараёнлар бадий таҳлил ва тадқиқ этилган. Ўзгаришларга “мослашиш” жараёнлари турфа табиатли персонажлар тафаккури ва рухиятида қандай маънавий зилзилалар билан кечгани кўрсатилган. Мақолада роман антропоцентрик парадигманинг ўзига хос триадаси бўлган “муаллиф-матн-ўқувчи” учлиги негизида тадқиқ этилган. Жумладан, муаллифнинг Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларига боғланувчи дунёқараши роман қаҳрамони Маҳкам характери, фикр-ўйлари, хатти-ҳаракат ва нутқига кўчиши, китобхонда хайрихоҳлик уйғотиши; ижтимоий ҳаётга мослашиши қийин кечган адибнинг бош қаҳрамон сиймосида ўз фикр-кечинмалари, комил инсон ва мукамал жамият ҳақидаги, бадий-эстетик концепциясини ифода этиши ўрганилган.

Бадийлик тарихий категорияси негизида ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг воқеликни бадий образлар воситасида идрок этиши, образли фикрлаши билан боғлиқ ижодий-рухий фаолияти таҳлил этилган. Бу жараён ҳар бир давр маънавий-эстетик эҳтиёжлари, бадий диди билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришига диққат қаратилган. Бадий реалликнинг воқе бўлиши, асарнинг яхлит органик бирлиги таъминланишда шакл ва мазмун мутаносиблиги ўрганилган. Зоҳиран реалликка монанд бўлган ирреал оламнинг шартлилик хусусияти, бадий матннинг эстетик субъект – ўқувчига йўналтирилганлиги, ўзига хос бетакрор ҳодиса бўлган бадий воқеликнинг китобхон томонидан қайта яратилиши сингари масалаларга диққат қаратилган. Сўз санъаткори ижод онларидаги маънавий-рухий ҳолатини тасаввур қилиш орқали унга аён

бўлган, серқатлам маънолар, хусусан, романда дунё конкрет инсон ҳаракат қиладиган муҳит бўлиш билан бир қаторда зиёли инсон ҳамиша одам ва олам муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлишига диққат қаратилганини англашга ҳаракат қилинган.

Демак, адибнинг роман қаҳрамонларига бўлган муносабатининг мақолага асос қилиб олинishi бадий бутунлик, шартлилик, ўқувчига йўналтирилганлик, оригиналлик, универсаллик каби бадийлик қонуниятларининг субъект – объект – адресат бутунлигида намоён бўлиши, китобхонда катарсис ҳолати қандай содир бўлиши ва бадийликнинг юзага чиқиши ҳолларини кузатиш имконини берган.

Таянч сўз ва иборалар: бадий таҳлил, характер, антропоцентрик парадигма, шакл ва мазмун, ирреаллик, эстетик субъект, бадий бутунлик, бадий шартлилик, ўқувчига йўналтирилганлик, оригиналлик, универсаллик, катарсис.

Annotation: The public writer of Uzbekistan Shukur Kholmiraev in the novel “Dinosaur” on the example of the fate of the writer and filmmaker tightly Mahmudov family artistic analysis and research of the psychological processes that occurred in the nature of the people of the era of socio-economic and cultural life of the 90s of the 20th century. It is shown how the processes of “adaptation” to changes are experienced by spiritual earthquakes in the contemplation and psyche of peronyms with a different nature. In the article, the novel was studied on the basis of the Trinity “author-text-reader”, which is a specific triad of the anthropocentric paradigm. In particular, the author’s outlook on the teachings of Ahmad Yassavi and Bahouddin Naqshband, shifts to the character, thoughts, actions and speech of the protagonist of the novel Mahkam, arousing goodwill in the reader; it is learned that the writer, who had difficulty adapting to social life was learned to express his thoughts about a perfect person and perfect society.

On the basis of the historical category of artistry, it was analyzed the creative and spiritual activity of Kholmiraev in connection with his perception of reality through artistic images, his imaginative thinking. This process is focused on the fact that each period changes in relation to the spiritual and aesthetic needs, artistic tastes. The proportions of form and content are studied in the event of artistic reality, ensuring the holistic organic unity of the work. The conditional feature of the surreal world, which is a harmonic to the apparent reality, focuses on issues such as the orientation of the artistic text to the aesthetic subject – reader, the recreation by the bookstore of the artistic reality, which is a unique phenomenon.

The word artist is manifested in him by imagining his spiritual and spiritual state in the moments of creativity, with serene meanings. In particular, the novel tried to understand that in addition to the fact that the world is a concrete human moving environment, an educated person is always closely connected with the problems of Man and the scientist.

So, the fact that the writer's attitude to the heroes of the novel which was based on the article allowed to show the laws of artistry in the whole of the

subject-object -addressee such as artistic integrity, conditionality, orientation to the reader, originality, nobility gave the reader the opportunity to observe how the state of catharsis occurs and the circumstances of the emergence.

Key words and expressions: artistic, analysis, character, anthropocentric paradigm, form and content, aesthetic subject, artistic integrity, artistic conditioning, reader orientation, originality, universality, catharsis.

Анъанавий тасвир йўналишига хос бадий изланишларини жаҳон адабиёти ифода усуллари билан вобаста қилишга, инсон шахсини турли ракурслардан акс эттиришга, унинг ўй-хаёлларию хатти-ҳаракатлари рухий асосини тадқиқ этишга интиланган ўзбек носирлари қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев номи алоҳида ажралиб туради. Адиб Остонакул чол (“Подачи”), Қўнғирот домла (“Бойчечак очилди”), Эсонбой (“Оғир тош кўчса”), Восит (“Ёввойи гул”), Ақобир (“Баҳор ўтди”), Инод (“Отнинг эгаси”), Ислом (“Жарга учган одам”), Иван Иванович (“Кўк денгиз”), Момо (“Қадимда бўлган экан”), Ойна опа (“Букри тол”), Жамшид, Умида (“Ўн саккизга кирмаган ким бор?”), Қурбон, Ойпарча (“Қил кўприк”), Бекдавлат (“Йўловчи”), Ултон (“Олабўжи”), Маҳкам (“Динозавр”) сингари қатор жонли образлар ҳисобига миллий насрнинг қаҳрамонлар географиясини янада кенгайтириш, антропологиясини муайянлаштиришга эришган. Ёзувчининг бадий-эстетик концепцияси “Динозавр” романида, айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Шукур Холмирзаев “Динозавр” романида мустақилликка интилиш ва бозор иқтисодиётига “ўтиш даври” мураккабликлари ва одамлар табиатида кечган ўзгаришларни қаламга олиб, уларни бартараф этишнинг йўллари ҳақида поэтик ҳукм-хулосалар чиқарган. Мақола бу жараёнлар роман бош қаҳрамони – ёзувчи ва кинорежиссёр Маҳкам Маҳмудов оиласининг тақдири мисолида қандай бадий таҳлил ва тадқиқ этилишини ўрганиш мақсадини кўзлайди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ўз олдида:

- романда “ўзгаришларга мослашиш” жараёнлари турфа табиатли персонажлар қисматида қандай ижтимоий-маънавий зилзилалар билан кечгани қандай бадий ифода этилганини кузатиш;

- Ш.Холмирзаевнинг комил инсон ва мукамал жамият ҳақидаги бадий-эстетик концепцияси ва персонаж ички “Мен”ини қиёсан тадқиқ этиш ҳамда муайян умумлашмалар чиқариш вазифаси қўйилган.

Мақоладан кўзланган мақсадни амалга оширишда социологик, биографик, аналитик, қиёсий-типологик, герменевтик ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Адибнинг “Динозавр”¹ романи рамзий-ишоравий номланиши биланок эътиборни тортади. Триас-бўр даврлари қатламларидан маълумки, динозаврлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳам яшашган. Бироқ уларнинг охириги вакиллари 65 млн. йил олдин қирилиб кетган. Олимлар бунини муҳитдаги ноқулай ўзгаришларга мослаша олмаслик оқибати деб

¹Холмирзаев Ш. Динозавр.// «Ёшлик» 1996, 2- 4- сонлар.

хисоблайдилар. Демак, муҳитга мослашмаслик, ўзгаришларга ҳамнафас бўлмаслик ғоятда баҳайбат, жисмонан кучли йиртқичларнинг ҳам буткул йўқ бўлишига олиб келган. Шубҳасиз, адаптация масаласи инсон ва инсоният қисматини ҳам четлаб ўтмайди. Шундай экан, айтиш мумкинки, роман бадиий вақтида ҳаракатланувчи персонажлар тақдири мисолида яқин ўтмиш даври замондошларимиз ҳаёти, давр ва шахш фожиаси ўз аксини топган.

Муаллиф роман мавзуси ҳақида изоҳ берар экан: “Ҳаётдаги анчайин ўзгаришни ҳам ҳазм ва қабул қилиш осон кечмайди: кўникмалар – қаноатлар бу йўлда теран тўсиқлар ҳисобланадики, авваламбор, ана ўшаларни “енгиш”га тўғри келади. Энди тасаввур этинг: ҳаётнинг ўзи тубдан ўзгариб, ўзга бир изга тушса, уни ҳазм ва қабул қилиш, айниқса, ижодкор учун мушкул бўлади. “Динозавр” романим – ана шу жараён тасвиридан иборат”, - деб ёзади².

“Динозавр” романи воқеалари ғоятда оддий ва ҳаётий. Бош қаҳрамон Маҳкам Тошкентда яшайдиган зиёли. Иттифоқо у туш кўради. Тушида онаси оппоқ кийиниб, хурсанд кайфиятда чиқаётган эмиш. Касалманд одамнинг мундоқ кўриниши хосиятли эмаслигига ишонган Маҳкам хотини Шахло ва ўн олти яшар ўғли Собитни олиб, кеч тушаётганига қарамай қишлоққа отланади. Унинг қишлоққа бориб, яқинлари, таниш-билишларини кўриб яна шаҳарга қайтиб келиши билан роман тугайди. Характер ва воқеалар ўртасидаги муносабат инсоний мулоқотлар жараёнида очила боради.

Кўринадики, роман сюжети туш ва сафар мотивлари орқали, яъни персонаж эътиқодий ишончларига боғлаб талқин қилинган. Рус олими А.Н.Веселовский таъкидлашича: “мотивлар бирлашиб, сюжет ҳалқасини юзага келтиради”³, Б.Путилов ҳам “мотив сюжетнинг мағзи”⁴ эканини алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, роман қурилма-структурасидаги унчалик кенг қамровли бўлмаса-да, туш мотиви воқеликни юзага келтирувчи муҳим ҳалқалардан бирини ташкил қилади. Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш “Озодчехра”, “Ғулумбачча” (иккинчи туш), “Сусамбил”, “Булбулигўё”, “Қирон ака” (иккинчи туш) эртақларида келувчи тушларга назар ташлар эканмиз, уларда ҳам қаҳрамон тушига кирган шахс ёки бошқа ишорат берувчи восита сабабли сафарга отланишининг гувоҳи бўламиз.

Шаҳарда тамадди қилмай, шоша-пиша сафарга отланган йўловчилар йўл-йўлакай қоринни бутлаб олишга умид қилишган “кафе”нинг пойдеворигача бузиб ташланганлигини роман тугуни дейиш мумкин. Чунки кутилмаган бу ўзгариш рамзий-мажозий мазмунга эга бўлиб, роман конфликтининг моҳиятига анча яқин туради ва китобхонни асар зиддиятлари ичига олиб киради. Илк эпизодданок роман қаҳрамонлари ўртасида оилавий муҳитда бир-бирини тушунмаслик, ўзаро муносабатларда хотиннинг эрга нисбатан мавқеи баландроқ эканлиги, ўғил ҳам ҳали онаси таъсири остида

² Холмирзаев Ш. Динозавр. // «Ёшлик» 1996, 2- сон, - Б: 20.

³ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л.: Высшая школа, 1940. – С.494.

⁴ Путилов Б. Мотив как сюжетобразующей элемент // Типологические исследование по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С.142.; Шунингдек қаранг: Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. - Тошкент, “Фан”., 2011.

ҳаракат қилиши англашилади. Асар эпизодларида вужудга келадиган турфа вазият-ҳолатлар қаҳрамонлар ўртасидаги ана шу конфликт билан боғланади.

Ш.Холмирзаев роман тугунидаёқ воқеалар қандай кечишига китобхонни қизиқтириб қўяди⁵. Воқеаларнинг боришидаги ўзига хос сирлилик, роман тугунининг сабабларини билишга қизиқишни кучайтиради. Ёзувчи асосий воқеа баёни билан у бўлиб ўтадиган жойлар тасвирини ёнма-ён тарзда тасвирлайди. Айтиш мумкинки, роман экспозицияси етакчи воқеаларга параллел ҳолда чизилади. Реал воқелик билан боғлиқ муаммолар изланиш, изтиробли ўйлар, аждодлар меросини ўзлаштириш ва келажакка ишонч орқали бартараф этилиши мумкинлиги фикри романнинг ечимидир.

Маҳкам билаклари пайдор, нигоҳи ўткир, ўзига ишонган, ўжар табиатли шаҳар зиёлиси. Бир пайтлар унинг ижоди гуллаб-яшнаган. Қатор-қатор фильмлари, китоблари чиққан. У ўзини ғоятда кучли, дадил сезган. Ижтимоий-иқтисодий шароит ўзгаргач, табиатига хос қайсарлик ва ўжарлик сабаб у дабдурустдан шароитга мослашиб кетолмайди. Бу унинг ношудлиги ёхуд рухий кучсизлиги билан эмас, балки миясида жўш урган адоқсиз ўй-мушоҳадалар, сўфиёна орзулар, болаларча самимий хаёлларни рўёбга чиқариш, кўнгил тилаги бўйича яшаш ва ижод қилиш истаги билан боғлиқ. Чунки атрофиндагилар сени тушунмаган лаҳзалардан бошлаб кишида ўз оламингда яшаш тилаги кучая боради. Зотан ички олам бемалол лаззатланиб яшаш мумкин бўлган уй, бош олиб кетиш мумкин бўлган фалакий кўламдаги макон.

Аммо моддиятда гап кўп экан. Маҳкам ички маданияти туфайли ҳам айрим тадбиркорлар каби фойда йўлида кўнгил тилакларига зид боришни эплай олмайди. Шубҳасиз, у талаб ва таклифлардан четда эмас. Агар ана шу таклифларни бажарса, сал фурсатда иқтисодини ўнглаб олиши, хотини ва ўғли олдидаги мавқени тиклаши мумкин. Аммо виждон, иймон, инсоф, бурч каби муқаддас тушунчаларга садоқат туйғуси уни моддиятдан тўсиб туради. Кўнгли истаган, интилган манзил-маконгагина чорлайди. Маҳкам умр деган муқаддас неъматни оёқости қилишга ўз-ўзидан, атрофидагилардан уялгани учун ҳам қалбига руҳан бегона бўлган кишилар билан бир ҳаводан нафас олишга, яшашга мажбурият сезади.

Бу сойир қишлоққа етмоқ учун улкан довондан ошмоғи керак. Аммо табиий мароми бузилган дунёни англаш, ҳаётнинг нуқси урган тоғ ҳавосига кўникиш, йўлдаги турли харсанг тўсиқларни айланиб ўтиш, тош кўчкиларидан ҳимояланиш, инсоф-диёнатни унутган одамларнинг нотанти қилиқларига чидаш изтиробли ўйларсиз кечмоғи душвор. Шунинг учун ҳам Ш.Холмирзаев уни ишонган мошинаси панд берган, довон йўлининг ўртасида, қора тун ва қуюқ туман бағрида адашган ҳолатда тасвирлайди.

Маҳкам вазиятдан чиқиш учун ҳар қанча тадбир кўрмасин, тақдир ҳукмига бўйсунушга мажбур. Лекин қаҳрамон ўз ғурурини топтамайди. Уст-боши юпун, совуқда дилдираб турган бўлса-да, хотини инъом этмоқчи

⁵ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.- Тошкент, Академнашр , 2010. – Б. 335-336.

бўлган қимматбаҳо жемпрдан беминнат эски чопонини афзал билади. Машинаси бузилиб қолганида пастга тушиб резина ичак топиб келиш мумкин бўлгани ҳолда, у кўнглини маҳв этган чўққига томон бардош билан кўтарилади. Совуқнинг шашти баландлиги, қорнинг қалинлиги, ёввойи чўчқаларнинг эркин изғиб юргани ҳам унга монъелик қилмайди. Сокин макон илинжи қалб соғинчи бўлиб, зинҳор саргузашт тилагидан эмасди. Туман ва зулмат қоплаган оламдан юксалиш, қорин ташвишидаги оломондан йироқлашиш, мусаффо ҳаволардан нафас олмоққа интилиш эди.

Дарҳақиқат, ўн йиллар давомида ҳувиллаб ётган ибтидоий ғор тоғ арчасининг хидидан муаттар бўлганида, одамзоднинг азалий йўлдоши – оловнинг ҳаётбахш тафти баданларини илитганида, қадим саёҳатчилар адашган бандаларнинг совқотмаслиги, оч-наҳор қолмаслиги учун ўтиндан тортиб, идиш-товоғу нон-тузгача қолдириб кетиш анъналари нақадар инсоний моҳиятга эга эканини юракдан ҳис этганида, Маҳкам ўтмиши буюк халқидан ифтихор туяди. Мутлақо нотаниш кишилар ғамини еган инсонларни: “Илоҳим, охирати обод бўлсин” дея дуо қилади. Беихтиёр тарзда ўзи ҳам нотаниш саёҳатчиларга нималардир қолдирмоққа мажбурият ҳис этади. Рангига қон югуриб, кўзлари равшан тортади. Совуқни, чарчокни, асабий кайфият-ҳолатларни унутади. Эр-хотин ўртасидаги ғашлик кўтарилгандай, ҳорғинлик ва изтироб чекингандай бўлади. Маҳкам миясида ўқтин-ўқтин жўшиб, вужудига човут солишга ҳозирланган армон, адоғи қоронғу хаёл-мулоҳазаларни ўзига яқинлаштирмасликка тиришади. Сўфиёна орзу-истаклару беозор болалик хаёлларига берилиб кайфиятини хушлашга, хаёлларини тиниқлатишга интилади.

Зотан, Маҳкам кечаги ҳаётида ниманики истаб-орзулаган бўлса, барчасига эришган, қандай яшашни хушлаган бўлса – ўшандоқ яшаб ва ижод қилиб келган эди. У шўро мафқурасининг ижтимоий-сиёсий талабларига чап беришнинг ҳадисини олган, янги-янги мавзулар, муаммоларга қўл ура олганидан мамнун эди. Унинг дўстлари ва маслакдошлари турли миллатга мансуб ёзувчилар, таржимонлар, сценаристлар эди. Дўстлари орасида руслар, арманлар, молдаван-татарлар, бошқирдлар, озарлар ва бошқа миллат вакиллар бор эди. Дарҳақиқат, у саботли, мустаҳкам иродали инсон эканлиги боис, туркий қавмга озодлик соғиниб яшади. Миллат ғурурини тиклаш учун жаҳид зиёлилари изидан бориб, улуғ боболар сиймосини яратишга ҳаракат қилди. Ўша дамларда унинг руҳи парвозда, қалби қувонч билан лиммо-лим эди. Зотан, инсон зотига энг олий қадрият – мукаррамлик тақдир этилган экан, илоҳий борлиқни асрамоқ вазифасини англаб етмоқ учун баъзан оддий инсоний бурчларни уддалашнинг ўзи ҳам кифоя. Муҳими, одам боласи кўнглида ва ҳаёт тарзида турғун бўлган нафс девини енга олмоғи лозим.

Биз улуғ сўз ва тафаккур даҳоларининг инсон ва унинг зоҳиру ботинига даҳлдор фикрлар оламини бугунги ҳаётимизга сингдирмоғимиз, шулар асосида ҳаёт ва жамиятни янгилашимиз, мустаҳкамламоғимиз зарур. Бунинг учун эса уларга бебаҳо ва асл қадрият сифатида муносабатда бўлиб, бугунги қарашу қизиқишларимиз, манфаатларимизга яқинлаштирмоғимиз талаб

этилади. Бу шунчаки осон юмуш эмас. Муаяйян индивидуал тайёргарлик билан этиб келиш мумкин бўлган манзилдир. У нафақат фикрда, балки кўнгил ва руҳиятдаги ботиний маънавий кураш, тинимсиз интилиш орқали кечади. Зотан, бу инсоний ҳақиқатларни, инсон ҳамда илоҳиёт асрорини англаш, маъно кўзи ва назарининг очилиши жараёнидир. Шунинг учун ҳам мазкур манзил-маъвода руҳониятга ахлоқий файз етади. Хаёлотнинг фазовий кенгликларидан туғилган ҳайрат намоён бўлади. Зотан, кичик олам – ботинни таниш орқалигина катта олам – коинотга кўтарилиш мумкин.

Демак, Ш.Холмирзаевнинг «Диназавр»⁶ романида Баҳовуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий фалсафий қарашларини реал ҳаётга тадбиқ этиш лозимлиги фикри илгари сурилиши бежиз эмас. Ҳаёт маърифатини орттириш воситаси Шарқона маданиятда мужассам деб билган ёзувчи замонавий роман доирасида инсоний комиллик худудларини орифона қарашлар ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қилади. Шубҳасиз, ёзувчи вақтнинг табиатидаги ўткинчилик ва абадийлик хусусиятини, яъни бир томондан келажакдан узоқлашиш, иккинчи жиҳатдан эса эзгу фикр, сўз ва амал орқали мангуликка дахлдорлик мавжудлигини яхши англайди. Аммо замондошларимиз фикрини коинот кенгликларига юксалтириш эстетик идеалидан келиб чиқиб романни тафаккур кенгликларига чорлаш руҳи билан зийнатлайди.

Роман қаҳрамони Маҳкам ўз истаклари асосида ҳаракат қилади, интилишларини амалга оширишга уринади. Аммо унинг истак-хоҳишлари, ички потенциал имкониятларининг реал ҳаётга кўчиш жараёни қийин кечади. Чунки реаллик ҳамини ҳам унинг кўнглига уйғун эмас. Бунинг сабабларидан бири инсоний меҳр-оқибат, муҳаббат ухлос туйғулари бозор муносабатлари таъсирида заҳа еганлигида. Оилавий муносабатлардаги эру хотин фитратию интилишларига хос турличалик уларнинг ҳаракатларида ҳам ўзаро зиддиятни вужудга келтирган. Шунга қарамасдан, режиссёр Маҳкам кўнгил тилаклари асосида янги фильмлар яратиш мақсади-ю армонларидан воз кечган эмас. Унинг фикри ғоятда равшан, идроки эса теран мазмун-моҳиятга эга. Кўнгилнинг кўнгилга уйғунлигини тилаган Маҳкам бир пайтлар мавжуд бўлган ана шу мувофиқлик бузилгани, уни тиклашга қурби етмаётганидан озурда.

Гарчанд мутаносибликнинг йўқолишига Маҳкам ўзини айбдор деб билса-да, ич-ичдан икки кўнгилнинг ўзаро нолойиқ эканлигини ҳам ҳис этиб туради. Оиланинг иқтисодий бутлиги маънавий-руҳий яқинликни тиклашига ақли етгани ҳолда, Маҳкам ўжарлик билан ўз кўнгил тилакларига эргашаверади. Бу ўжарлик нозик кўнгил соҳибининг оламини тушуниш ва ҳис этиш, борлиққа нафосат назари билан қараш, баҳолашидан туғилгани боис, шунчаки инжиқлик эмас. Балки ўз руҳининг мақомига мувофиқ ҳаёт тарзини кўмсаш тилагидир. Шунинг учун ҳам Маҳкамнинг назарида кўнгилга қарши бориб дилларни бирлаштириш энг камида ўз-ўзини алдаш, эътиқоду

⁶ Холмирзаев Ш. Динозавр. // «Ёшлик» 1996, 2- 4- сонлар.

маслагига хиёнатдир. Бу ҳол ижтимоий турмуш талотўмларидан кўнгли озурда бўлган Маҳкамнинг ўз қалбига хиёнат қила олмаслигида, давр интилишлари унинг хоҳишларидан устунлигини англашида яққол намоён бўлади.

Айнан ана шундай ҳақиқат излаган нозик кўнгил соҳиби экани, қадим боболар фикри битилган китоблар оламидан лаззат ола билиши, уларнинг хаёли билан нафас олиб яшаётгани учун ҳам Маҳкам юрагининг туб-тубида Баҳовуддин Балогардон ва Яссавийларнинг ўғитлари акс садо беради. Эҳтимол, ана шу ҳамрозлик туфайли ҳам Маҳкамнинг кўнглига маърифат ва ҳақиқат тарбияси кириб келган ва у мазкур тугунни ечолмай ўртанаётган, роз эшигига талпинаётган бўлса ажаб эмас. Муҳими, романда эл-юрт тақдири олдидаги жавобгарлик, ижодкор масъулияти, туйғуларининг қудрати хануз кўлига қалам олишга изн бермаётган бўлса-да, Маҳкамнинг кўнглида қоғозга тушириш учун пишиб етилаётган, ҳаёт йўлларида синовдан ўтган режалар бисёрлигига ишора қилинади. Елкасидаги юк залвари, кўнглидаги туйғу-кечинмалар миқёсидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Маҳкам ҲАҚ ва ХАЛҚ олдида улкан жавобгарлик туйғуси билан яшаётган комил инсон – улкан рух кишиси.

Шунинг учун ҳам у элни севади, унинг бутунлиги, ҳамжиҳатлиги учун қайғуради, айна пайтда айрим одамларнинг интилишларидан озурда бўлади. Моддий дунё ташвишлари билангина яшаётган оломонга мослаша олмаётган қаҳрамон мамлакат тақдири билан боғлиқ муаммолар ҳақида қайғуради. Аммо унда улуғ ижодий ишларга иштиёқ ва рағбат уйғониши қийин кечади. Чунки Маҳкамнинг вужуди бир жиҳатдан, замонасига чамбарчас боғлангани кўнгли илҳом ва жунунга буткул берилишига монелик қилар, иккинчидан, у масъулиятни теран ҳис этгани боис кўнглига қарши бориб янги асар яратишдан тийилиб яшарди. Миллат тийнатида мавжуд поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-оқибат, хайр-саҳоват, мурувват, марҳамат, маърифат белгиларини кўрганида Маҳкам кўнглида ифтихор чечаклари ғунча очади.

Роман қаҳрамони атрофга соғлом назар билан қарагани боис, унинг тутган йўриғи шунга мувофиқ тарзда кечади. Маҳкам хотинининг таъна-дашномлари олдида тили қисик бўлса-да, муҳофазаланишга шошилмайди. Унинг назарида эр-хотин, ота-ўғил, ака-ука ўртасида мувозанатнинг издан чиқиши дунё азалий асосига номувофиқлик, маънавий таназзул даракчисидир. Аммо Маҳкам толе ва тарих йўлини ўзгартиришга ожиз бўлса-да, асло умидсизланмайди. Узок тарихга, муқаддас манбаларга мурожаат қилишдан чарчамайди. Маҳкам уринишлари ўзи ёхуд укаси оиласининг манфаатлари миқёсидагина чекланган эмас, унинг замирида эл-юрт ташвиши мужассам. Бинобарин, у нажот йўлини халқнинг фидойилик руҳини қайта уйғотишда кўрадиган, дунёвий ва диний-илоҳий илмларни эгаллаган, маърифатини ҳаётга тадбиқ қилишни тилаган фозил киши. Шу боис унинг ўтмиш меросимизга бўлган муносабатига хос ижтимоий-инсоний фикр-қарашлар ифодаси элдошларимиз, даврдошларимизга қаратилган пандлар мақомини касб этади. Англашиладики, яратилиш ва яралиш, яшаш ва

муносабатлар уйғунлигини инсоний ахлоққа боғлаб тушунган Ш.Холмирзаев мазкур давомийликни қадим туркий ва исломий маданият асосида юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш – комил амалиёт орқалигина сақлаб қолиш мумкин деб билади. Шунинг учун романда амалнинг ақлга мувофиқлиги конценциясини илгари суради. Ижтимоий-психологик вазият марказига иждоқор инсонни қўйиб, муаммолар моҳиятини ҳам ижтимоий, ҳам рухий-психологик планда ёритишга интилади.

Маҳкамнинг аёли – Шахло онасининг паноҳида эсини таниган, эрка ўсган қиз. У оилада аёл кишининг эр зотиға муомаласини кўрмаган, Оврўпача тарбияланган. Унинг эркак ҳақидаги меъзони рус ва ғарб адабиётларида куйланган чўрткесар таваккалчилар, шахзода ва графлар, курашчи Артур, кўзғолончи-гладиатор Спартакларнинг қоришмасидан иборат. Демак унинг идеалидаги эркак мавҳум бир зот. Бинобарин, Шахло тотли романтик ҳаёллар оғушида яшайди. Катта-катта қора кўзлари порлаб турувчи, чиройли ва мафтункор бу қиз ўзини қандайдир юксак бир бахтға муносиб деб билади. Мактабни олтин медалға, Театр ва рассомлик институтини аёло баҳоларға битказади. Иккинчи курсдалигидаёқ Маҳкам саҳналаштирган “Ганг дарёсининг қизи” (Р.Тагор асари) спектаклида ғариб ва қалби покиза Камола ролини қойилмақом ўйнайди. Бу жараёнда файласуф, беҳад олижаноб ва мард Нолинакха Чаттапатхая ролини ижро этган Маҳкам ҳамда зехли, талантли, романтик ҳаёллар оғушида яшовчи Шахло ўртасида муҳаббат ришталари куртак ёяди.

Маҳкамнинг дадаси зиёли одам бўлган. Сталин вафотидан сал олдин қамокда ўзини осиб қўйган. Қишлоқда ёлғиз онаси ва битта укаси бор. Ўқишни тугатгач, Тошкентда қолган Маҳкам Шахлоларнинг уйида кичкинагина тўйча ўтказиб унга уйланган. Тўйға шол рўмол ёпинган онаси ҳам келган. Янги оила дунёқарашларида фарқ сезилмай, ўн йиллар давомида ривоятларда айтилмиш тўтикушлардек иноқ яшашади. Демак, Шахло ўзини азиз орзуларига етаётгандай ҳис этмоғи учун табиий ва ҳаётий асослар мавжуд эди.

Кейинги уч йил давомида “Ўзгаришларға мослашган” Шахло ўзини кучлилар сафида, ҳаёт тарзига мослаша олмаётган эрини эса кучсизлар қаторида санай бошлайди. Ўша тарздан туриб эриға муомала қила бошлайди. Шу боис Маҳкамнинг ғордаги туйғулари унга тамомила бегона. Буларнинг бари унинг учун арзимаган нарсалар ва бемаънилик бўлиб туюлади: “Ҳа, где наши мечты? Всё ерунда...” дейди у. Ҳаёти беҳуда ўтганидан афсусланиб айтилган шу гапидаёқ Шахлонинг ҳаётға мослашувчанлик, беписандлик туйғулари намоён бўлади.

Маҳкамнинг камгап ва ҳаёлчанлиги ҳам бир жиҳатдан хотиниға “қарам” лигига ич-ичдан иқрор бўлиши, мавжуд ҳаёт тарзи олдида ожиз қолиб, елка қисишға мажбурлигидан. Аммо у ўз фожиасини ҳаётға мослаша олмаётганлигида кўради. Оилавий муносабатларда пайдо бўлган бегоналик туйғусини, шунингдек, ҳаётға ишончи сўнган, фикр-ўйлари уммонига ғарқ, ҳамон бир тўхтамағи келолмаётган киши руҳиятини англашда қаҳрамоннинг

икрори муҳим аҳамият касб этади: “Ҳаётдан, сизлардан, қолаверса, Аллоҳ берган умр деган неъмат оёқости бўлмаслик учун, азбаройи ўзимдан уялишим учун ҳам яшаб юрибман... Тамом.”

Замон тақозоси билан савдогар ва бойвачча бўлиб қолган Жамолиддин Жамилович – кўли очик, ижод аҳлига қайишадиган йигит. У бир пайтлар шеърлар ёзиб, кичкина бир тўплам ҳам чиқарган. Эҳтимол, шунинг учундир Маҳкамни “катта ва буюк одам” деб билади. Жамолиддин халқ тарихий ўтмиши тикланиши ва бугунги тақдири янада юксалиши, мамлакат иқтисодий тараққиётини етишиб келаётган миллий ишбилармону тижоратчиларга боғлаб тушунади. Демак, у олижаноб фикрлардан ҳам бегона эмас. Жумладан, Жамолиддин тулпорини кўкка сапчитиб, сквер майдонида мағрур турган Амир Темур ҳайкалидан ифтихор туяди. Французлар Наполеонни, руслар Иван Грознийни, греклар Македонскийни кўкка кўтаришса-ю биз улуғ бобомизнинг муборак номини улуғламасак дуруст эмас деб ҳисоблайди. Маҳкамни Амир Темур ҳақида киносценарий ёзишга ундар экан, ўзининг бу эзгу ишга ҳомийлик қилиш нияти борлигини яширмайди. Аммо Маҳкам айнан шу мавзуда сценарий ёзиб саҳналаштиришга интиланган айрим қаламкашларнинг юзига оёқ кўйишни виждонига хилоф иш деб билади. У бугунги ҳаёт ҳақида ўз қалбининг овозига қулоқ тутиб, муҳим бир асар яратмоқ орзусида. Бироқ муносиб ечим тополмай ўртанади. Одамлар орасида меҳр-оқибат, инсоф-диёнат танқис бўлиб бораётганидан азият чекади.

Хотини вақтинча камхарж бўлиб қолганини ҳадеб юзига солавериши, Маҳкам Шахло олдида сўзини олдириб кўйиб, эзилиб юрганини англаган Жамолиддин унинг корига ярар деган мақсадда бир даста эллик сўмлик тутқазади. Унинг: “Бир кўй бир терининг ичида неча марта озиб, неча марта семиради”- деган сўзлари ўратадан хижолатпазликни кўтаради. Тужжорнинг самимиятидан дарак беради. Бу ҳол Жамолиддиннинг империя қулаб, янгича ҳаёт ҳали муайян ўзанга тушмаган бир пайтда аросатда қолган ижодкорни тушунган, унинг руҳини кўтаришни тилаган, кўзи тўқ тижоратчигина эмас, балки маънавий бутун одам эканини ҳам кўрсатади. Муҳими, ёзувчи ана шу ҳолни изоҳлашда Жамолиддиннинг ҳаё, андиша ва маданият ҳукмрон муҳитда тарбиялангани, бобокалонлари Мунавварқори, Убайдулла хўжалар билан улфатчилик қилишгани билан боғлашга интилади. Жамолиддиннинг хаёлчан тарзда Маҳкамга қарата айтган:

–“Ҳали бизнесменларнинг ҳам кўзлари тўяди. Ҳа, ҳа, ҳозирча кўпининг кўзи оч... Ҳали тўяди, тўйинади улар... Кейин биласизми, кейин китоб ўқишгайм, хўш, маънавиятга ҳам қизиқа бошлайдилар. Чунки бизнесмен – маданиятли одам! Ахир, у жамиятнинг булбуллари, гуллари ҳисобланадиган ёзувчилар, шоирлар, бастакорлар билан алоқа қилмаса, бирга ўтириб турмаса... қанақасига маданиятли одам бўлади” деган келажакка некбин ишонч руҳи уфуриб турган чуқур маъноли гаплари ғоятда табиий қабул қилинади.

Маҳкамнинг дадаси – маорифчи Маҳмуд ака араб ва форс тилларини биладиган зиёли инсон бўлган. Тоғаси Туркияда ўқиб келган, оврупча тарбия кўрган бўлиб, туркий халқлар маданияти жонкуяри эканлиги учун ноҳақ қатоғон қилинган. Бинобарин, романда унинг қалбидаги адолатга ташналик, ростгўйлик, ҳаётий муаммоларнинг илдизига етишга интилиш, зиёлига хос одоб-ахлоқ бир жиҳатдан тарбияга, иккинчи томондан ирсиятга, учинчидан, шахснинг футувватига боғлаб изоҳланади.

Маҳкам ҳайвонот дунёсининг: “кучлилар ғолибу кучсизлар мағлуб” лигига асосланган энг ибтидоий қонунларини бутун инсониятга тадбиқ этиш мумкин эмас деб билади. Ҳатто инстинктив тарзда ҳаракат қилувчи бўри ҳам ўз тўдасидаги шерикларига душманлик қилмагани ҳолда, мураккаб яратик бўлган инсон зотидан бундай тубанликни кутиш мумкинлигидан изтироб чекади. Ақл ва тафаккур кучи ғолиб бўлишига ишонади.

Машина тузатилиб йўлга чиққач, Маҳкам хотинининг юракка оғрик берувчи совуқ гап-сўзларидан чалғиш мақсадида ёшлик хотираларига берилади. Бу ўринда Ш.Холмирзаев Маҳкам туғилиб ўсган кент – Работнинг “Бобурнома”да тилга олинганини эслар экан, беихтиёр тарзда роман баён услубига мазкур мемуар асарга хос жиҳатлар ҳам кириб келади: “...беклик кўрғонидан нақшинкор бир минораю қийшиқ бир қатор девор қолган, холос. Кейинги йилларда буларнинг атрофида истироҳат боғи пайдо бўлди; мажнунтоллар кўп. Чойхоналар сероб. Таъмирланган эски мадраса ҳовлисида ҳам бир чойхона ва ошхона бор.

Халқининг қиёфаси ҳар хил бўлгани каби лаҳжада ҳам фарқ қилади; туб жой киши ҳамсухбатининг биринчи гапиданок қайси касабга ё гузардан эканини дарҳол англайди; умуман адабий тилга яқин бир лафзда сўзлашадилар”. Қаҳрамон ички дунёси ташқи таъсир остида нисбий бузилиб, беқарор ҳолат касб этади. Руҳий изтироблар воситасида улар ўз-ўзини англашга уринадилар ва мувозанат ҳолатига ўтадилар. Инсон табиатидаги зиддиятлар тасвири ва унинг руҳиятидаги таранглик ифодасига эътиборнинг ортиши табиий равишда адиб асарларида лирик оҳангни чуқурлаштириш баробарида, замон ва макон руҳини акс эттириш, диалог ва монолог шаклларига фаол мурожаат этишни ҳам талаб этади. Кўринадики, Ш.Холмирзаев яратган қаҳрамонлар содда, бир қадар қайсар, кўнгил тилагига мувофиқ ҳаракатларидан қаноат туювчи руҳи равшан кишилاردир.

Романда аждодларимизнинг тафаккур дунёси бойликлари ўзига хос тарзда мужассамлашган бўлиб, қаҳрамонларнинг турлича қарашлари орқали уйғоқ ва ҳаракатдаги олижаноб фикр ҳамда кечинма ифодаланган. Бош қаҳрамон қарашлари суҳбатдошлари билан бўлган фикрлар зиддиятида ғолиб келиб, китобхонни давримиз кемтикларини тузатишга, Оллоҳнинг буюк кудрати олдида ҳайрат туйишга ундайди. Зотан унинг донишмандлиги асосида чуқур ижтимоий ҳамда инсоний қиммат касб этувчи оила ва давлат пойдорлигига маҳрамлик, ижод, маданият, адолат, дўстлик, бирдамлик, иймон тушунчалари – огоҳликка даъват, ақидапарастлик ва мунофиқликка қарши исён ва таҳлил руҳи ётади. Бошқачароқ айтганда, ёзувчининг

тафаккур микёсларида коинот доирасида фикрлаш билан воқеликни идрок этиш узвий туташади. Демак, Маҳкамнинг оғир ўй-изтироблари шахс, оила, фарзандлик бурчи, мамлакат ва давлат келажаги билан боғлиқ муаммоларни дунёвий ҳамда қадим диний-тасаввуфий таълимотлар асосида ечиш билан чамбарчас боғланган. Комил муршидлар мероси ва руҳидан олинган илҳом, мадад ва файзга йўғрилган.

Бинобарин, “Динозавр” романи Шарқ адабиёти ва фалсафаси, исломий руҳ иқлимларига хос файз билан тўйинган. Асарда миллатимизнинг муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-руҳий ҳолати бадиий таҳлил ва тадқиқ қилинган. Адиб замондошларимизни Нақшбандий ва Яссавий кўтарилган руҳий мақомларга етказишни орзулаган. Ўтмишдошларимизни билиш ва англашни ўзимизни билиш ва англамоқ билан баробар санаган. Уларни бизга янада яқинлаштиришга, китобхон қалбида олис боболаримизга муҳаббат туйғусини тарбиялашга интиланган. Яратиш ва бунёдкорлик теран томир ришталари билан мустаҳкам заминга асосланиши лозимлигини ҳис қилган ва англаган. Адибнинг романни ёзиш жараёнида миллий-маданий заминга хос ўлмас обидаларга фаол муурожаат қилишининг ўзиёқ фикримизни далиллашга асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 43.
2. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2015.
3. Веселовский А.Н.. Историческая поэтика. – Л.: Высшая школа, 1940.
4. Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2012.
5. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.
6. Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. –Тошкент, Фан ва технология, 2006.
7. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент, Фан ва технология 2011.
8. Эшонқулов Ж. Ўзбек фолклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Тошкент, “Фан”., 2011.
9. Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 2007, 19 апрель.
10. Путилов Б. Мотив как сюжетобразующей элемент // Типологические исследование по фольклору. – М.: Наука, 1975
11. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: ШАРҚ НМАК, 2007 – Б. 26.
12. Тўраева Б. Тарихий романларда бадиий замон муаммоси (О.Ёқубов ва П.Қодиров романлари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

13. Қуроноу Д., Мамажоноу З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент, Академнашр , 2010.
14. Қуроноу Д. Адабий ўйлар. – Тошкент: Турон замин зиюо, 2016.
15. Холмирзаев Ш. Динозавр. // «Ёшлик» 1996, 2- сон.